ШАХС ЖИНСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОИЙ КУТИЛМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ҳ.Р. Ҳайдарова

Мақолада жинс идентификацияси жараёнида шахс улғайишининг дастлабки босқичи аҳамияти ёритилган. Ижтимоий кутилмаларга асосланган муносабатлар шахснинг шахсий фазилатларига айланиб бориши шахс жинсий хусусиятларини шакллантирувчи омил сифатида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *жинсий идентификация, жинсий установка, ижтимоий кутилмалар, доминантлик, шахс, гендер муносабатлар.*

В статье освещено значение начальной стадии формирования личности в половой идентификации. Процесс перехода социально ожидаемых отношений в личностные качества анализируется как фактор формирующий половые особенности.

Ключевые слова: *половая идентификация, половая установка, социальное ожидание, доминантность, личность, гендерные отношения.*

The article studies the importance of the early stages of formation of sexual identification of the person. The process of transmission of socially expected relations of the personal qualities are treated as the main factor of formation sexual peculiarities.

Key words*: sexual identification, sexual establishment, social expectations, dominance, personality, gender relations.*

Кириш: Жинс идентификацияси шаклланиши жараёнида шахс улғайишининг дастлабки босқичлари ўта аҳамиятлидир. Болага жинсга асосланган ижтимоий мазмун бериш ва ундан бўлган кутувлар чақалоқлик давриданоқ бошланади. Чақалоққа кийим танлаш, бешик безаклари, ҳатто туғилишни нишонлаш ҳам жинсий хусусиятга эга. Жинсий танловга асосланган муҳитнинг мавжудлиги, атрофдагиларнинг бола хулқидан кутилмалари шахс социализациясининг асоси дейиш мумкин. Жинсий ролли социализация жуда эрта бошланади. Болани жинсига мос тарзда кийинтириш, ўйинчоқлар билан таъминлаш бўлғуси шахс хислатларининг шаклланишига кучли таъсир этади. Масалан, қиз болаларга қўғирчоқлар олиб бериш ва бола хулқидаги анъанавий тарбия ҳаракатларини рағбатлантириш қизларнинг репродуктив функцияга бўлган йўналишини таъминлайди. Ҳатто ёш болалар бирламчи жинсий идентификация босқичини ўтмаган пайтда ҳам катталар уларга нисбатан ўғил ёки қиз бола стереотипларидан келиб чиқиб муносабатда бўладилар. Айрим тадқиқотларга кўра, 1,5 ёшли болаларни кузатиш асосида, оналар ўғилларига нисбатан қизлари билан кўпроқ мулоқотда бўлиши аниқланган. Бир ёшли даврда қиз ўғилга нисбатан она томонидан кўпроқ жисмоний контакт олар экан. Ота-оналар ўғил бола арзи ва йиғисини қиз боланикига нисбатан кўпроқ тақиқлайдилар. Ҳатто ўғил ёки қиз чақалоққа бўлган муносабат ҳам стереотип тарзида ўтар экан. Маълум бўлишича, ота ҳам, она ҳам қизга меҳрибон ва эътиборлироқ бўлар эканлар. Кейинчалик, улғайиш даврида қизлар табиатидаги таваккал қилмаслик, атрофдагиларга ғамхўр бўлиш, ўртоқлик каби хислатлар ижобий баҳоланади, қизларнинг эркак фикрига қулоқ тутиши мақбул деб топилади. M.Liss тадқиқотларига кўра, мактабгача ёшдаги қизлар ўз гуруҳларида ҳамкорликка, ўзгаларга эътиборлироқ бўлишга, доминантликдан қочишга ўрганар эканлар. Айни шу ёшдаги ўғил болалар эса етакчилик қобилиятлари учун тақдирланади, улардаги доминантлик белгилари катталар томонидан ижобий баҳоланади. И.С.Кон тадқиқотларига кўра, деярли барча маданиятларда қиз ва ўғил болаларга хос хусусиятлар меҳнат тақсимотидан бошлаб ўйин турларигача фарқ қилади. И.С.Кон 3-6 ёшли ўғил ва қиз болалар ўйинини таҳлил қиларкан, қизларга хос ўзаро ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш, ўғил болалардаги куч ишлатиш туғма хусусиятларга боғлиқлигини таъкидлашда Б.Уайтинг тадқиқотларига мурожаат этади. Айнан шундай жинсий дифференциация юксак даражада ташкил топган ҳайвон болалари мисолида ҳам аниқланган. Шу билан бирга, И.С.Кон ўхшаш маданиятларда болалар социализацияси жараёнини кузатар экан, К.Эмбер кузатувларига суянган ҳолда ўғил ва қиз болаларга хос жинсий хусусиятлар кўпроқ тарбия маҳсули эканини таъкидлайди.

Жинслар ўртасидаги фарқларни тадқиқ этишда биологик детерминизмга асосланиш ижтимоий

фанларда маълум чекловларга олиб келган бўлса-да, бундай тадқиқотларнинг натижалари ҳақида гапирмай ўтиш мумкин эмас. Биологик ёндашув табиий фанлар учун қулай бўлса-да, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил этишда биологик хулосаларга тўғридан-тўғри асосланиш қалтис ҳолдир. Бу борада машҳур биолог В.А.Геодакяннинг жинсий деморфизмнинг биологик назарияси ҳатто ижтимоий соҳадаги изланишларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу назарияга кўра, ҳар қандай биологик тизимнинг қайта яралиш жараёни икки қарама-қарши интилишни ўз ичига олади:

1) ирсийлик, яъни индивид ўз турига тегишли бўлган белгиларни сақлаши ва келажак авлодга етказиб бериши лозим;

2) ўзгарувчанлик, яъни турга хос бўлган янги билимларнинг пайдо бўлиши.

Ушбу биологик назарияга биноан аёл жинси наслни яратиш ва унга хос белгиларни авлоддан-авлодга узатиш вазифасини бажаради. Эркак жинси эса оператив тузилма бўлиб, янги шароитда ҳаётни таъминлаш ва адаптацияни осонлаштирувчи хислат орттиришни таъминлайди.

В.А.Геодакян инсоннинг ўзгаришларга мойиллиги ҳақида фикр юритар экан, хулосаларидан бирида эркак ва аёл жинсини «яхши» ёки «ёмон» деб қарама-қарши қўйиш ниятидан узоқлигини айтиб, икки жинсни бир-бирини тўлдирувчи категориялар сифатида тушунишни таклиф этади. Ушбу назария каби ёндашувлар асосида ижтимоий фанлар доирасида баҳсталаб бир қанча мавзулар пайдо бўлди. Шу сабабли биологик назария ва концепция хулосаларига мурожаат этишда эҳтиётқорлик лозим бўлади.

Жинсий фарқларни юзага келтирувчи омиллар ўз навбатида жинсий идентификация шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилайди. Жинсий фарқларни шакллантирувчи муҳит сирасида бола учун аҳамиятли инсонлар ва улар ўртасидаги муносабат шаклларини муҳокама қилиб ўтиш ўринли. Бу масалада бола учун энг қадрли доира – оила ва таълим-тарбия муассасалари омилини таҳлил этиш зарурати туғилади.

Р.Столлер тадқиқотларига кўра, қизлар онаси билан бир жинс вакиллари бўлганлари туфайли идентификация шаклланиши феминлик ифодасига эга. Қизларда жинсий идентификация она билан боғлиқлик ва бир жинслилик асосида шаклана бошлайди. Ўз навбатида, она ўғил фарзандларни эркак жинс вакили сифатида ҳис этади. Ўғил болалар эркак жинси вакили сифатида ўзларини онадан йироқ тутадилар ва натижада болада эмпатик алоқанинг сусайиши кузатилади. Ушбу фикрлар Ходороу томонидан ривожлантирилган ҳолда қуйидаги хулосаларга эришилди:

- қизлар ўғил болаларга нисбатан эмпатияга кўпроқ мойил;
- қиз онаси билан ҳиссий яқинлиги туфайли ўзини ўғил болаларга нисбатан камроқ якка ҳис этади ҳамда ташқи муҳит билан ўзини кўпроқ боғланган, деб билади. Шунинг учун бўлса керак, қизлар атрофдагиларнинг фикри ва таъсирига ўғил болаларга нисбатан эътиборлироқ бўлишади. Ҳаётда мустақил ёки ўзгага боғлиқ бўлиш ҳисларининг эркак ва аёлларда турличалиги ҳам шу билан боғлиқлиги таъкидланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарини тушуниши ва улар билан ўзларини идентификациялаш масаласи Н.Я.Привалова томонидан ўрганилган. Аниқланишича, бола ота-онасидан ўз жинсидагисини яхшироқ тушунар экан (ўғил отани, қиз эса онасини). Психологлар, масалан, А.Бандура болаларнинг жинс роллари катталар таъсирида, айниқса, ота-она ва ўқитувчи иштирокида шаклланишини таъкидлайди. Хусусан, ота-она ва атрофдагилар болада жинсига хос хислатлар намоён бўлишини тақдирлайдилар. Масалан, меҳрибонлик хислатининг қизларда намоён бўлишини юксак баҳолаб, айнан шу хислатнинг ўғил болаларда намоён бўлишига эътибор қаратилмайди. Ўғил ва қизларга хос хислатлар шаклланишида тарбия муассасаларининг ҳам роли катта. Аниқланишича, боғча тарбиячилари ўғил болалар нутқи ва фикрини қизларникига нисбатан кўпроқ рағбатлантирар эканлар. Ҳатто боғча тарбиячилари қиз бола шикоятидан кўра ўғил болалар арзига кўпроқ қулоқ тутадилар. Бунинг натижасида қизлар ижтимоий фаоллик зарурлигини ўғил болаларга нисбатан тезроқ англаб етадилар.

Мактаб таълим-тарбия институти сифатида ўз талаблари билан ўғил ва қиз болаларда шаклланувчи хислатларга таъсир ўтказади. Мактаб доирасида шаклланувчи ўғил ва қизларга хос хусусиятлар манбаи қуйидагилар:

1) ўқитувчининг гендер фарқларга асосланган ҳолда ўқувчиларга муносабати;

2) мактаб томонидан анъанавий жинсий муносабатларни қўллаб-қувватлаш;

3) синфдаги психологик иқлимнинг турли жинсга мансуб ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар натижаси эканлиги.

Шахс жинсий идентификациясининг шаклланишида катта гуруҳлар, масалан, маҳалланинг ролини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзбек маҳаллаларида кузатилувчи ижтимоий назорат феноменининг кучлилиги “Бир болага етти маҳалла ота-она” мақолида ҳам ўз аксини топади. Маҳалла ўз ҳудудида яшовчи оилаларга ва оила орқали унинг аъзоларига маълум хулқ-атвор шаклларини намуна сифатида сингдиради. Зеро,

маҳалла миллат ва жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни инсонлар ҳаётига татбиқ этиш функциясини бажаради.

Оилавий ҳаёт, фарзанд тарбиясида болалар билан бирга ота-оналар ҳам социализациялашиб, шаклланиб борадилар. Бундаги асосий методологик жиҳат шуки, оилавий шароит нафақат бола, балки ота-онани ҳам тарбияловчи муҳитдир. Масалан, болага янги талаблар қўйиш, дўстлар доирасининг кенгайиши, касб танлаши ва оилавий ҳаёт қуриши олдидан бўлажак қуда-андачилик муносабатлари фундаментини яратиш шулар жумласидандир.

Оиладаги дифференциал социализация куртакларини бола туғилгунга қадар қуриш мумкин. Негадир бўлажак ота-оналар фарзандлари ўғил ва қиз бўлишини олдиндан билишга ошиқадилар, ҳатто атрофдагилар ҳам ўзларининг шундай кутувларини очиқ-ойдин намоён этадилар. Мақсад гўё бўлажак фарзандга кийим танлаш, ўйинчоқлар сотиб олиш ва муҳит қулайликларини яратишгина бўлса-да, бу аслида жинсга нисбатан гендер муносабатларининг бирламчи намойишидир. Катталарнинг бола жинсига қараб турли муносабат ўрнатиши бола онгидаги жинсий идентификацияни янада мустаҳкамлайди. Масалан, катталар қизларга “бундай чиройли кўйлакни ким сенга олиб берди?” деб, ўғил болалардан “катта бўлганингда ким бўласан?” деб сўрайдилар. Шундай кутилмалар асосида туғилган бола ҳаётининг илк кунлариданоқ жинс ролларининг гендер тақсимоти шароитига тушади. 3 ёшга етган бола ўз жинсини англаган ҳолда эркак ёки аёлга хос вазифаларга эътиборни қаратади ва ўз жинсига монанд тарзда “энг яхши” ўғил бола ёки қиз бола бўлишга ҳаракат қилади. Бу жараён давомида ўғил болалар эркакларга, қизлар эса аёллар хулқига тақлид қиладилар.

Улғайиш давомида ўғил ва қиз болалар ота-она тарбияси билан боғлиқ таъсирга турлича жавоб берадилар. Оила ва ота-она таъсирига қаршилик ўғил болаларда анча эрта намоён бўлади. Ота-она кўп ҳолларда ўғил боланинг бундай истак ва ҳаракатлари билан муроса излашга мажбур. Айни пайтда қизлар томонидан намоён этилувчи бундай қаршилик қаттиқ тазйиқ остига олинади ва бундай вазиятларда ота-она хулқидаги қатъийликни кузатишимиз мумкин.

Оила моделларидан четга чиқиш улғаяётган фарзаднинг ўз келажаги ва тақдирини яратиш йўлидаги мустақил ҳаракатлари деб ҳам талқин этиш мумкин. Ўғил болалар ҳаётда муваффақиятга эришиш тасаввурларини яратар экан, кўп ҳолларда оила даврасидан, ота-онаси касб моделларидан четга чиқади, ўз тасаввурлари, хоҳишларига асосан касб танлашади. Қизлар эса ота-она маслаҳатига қулоқ солишади. Қизлардаги ота-она фикрига боғлиқлик ижтимоий тизимда эркакларни юқорироқ мавқега қўйиш установкаси билан изоҳланади. Аниқланишича, улар ўз «мен»ларини тасдиқлашга кам мойиллик билдирадилар ва келажак ҳаётларини бошқа одам билан боғлиқ тарзда тасаввур этадилар.

Жинсий идентификация шаклланиши, жинсий хулқ намуналарини қабул қилиш ва ўзлаштиришда бола аъзо бўлган гуруҳнинг ҳам таъсири катта. Гуруҳдаги муносабатлар тизимида иштирок этар экан, инсон хулқ-атвори турли нормалар асосида баҳолаб борилади. Гуруҳ фаолияти нормаларга асосланганини таъкидлаш қанчалик ўринли бўлса, шахснинг гуруҳдаги хулқи ҳам баҳолашга шунчалик асосланган, дейиш мумкин. Бундай баҳолаш шахс идентификацияси шаклланишида “мен” тушунчаси, “мен” образи ва шахснинг ўз-ўзини баҳолаши юзага келишида етакчи ролни ўйнайди. Бирор гуруҳга аъзолиги туфайли инсонга хос бўлган хусусиятлар ҳам айнан шу гуруҳга хос тавсифлар орқали талқин этилади. Психология фанида ушбу ҳодиса атрибутив жараён деб ном олиб, атрибуция шахсга хос хислатларни у аъзо бўлган гуруҳлар хоссаларидан келиб чиққан ҳолда тавсифлашдир. Интернализация тамойилига биноан эса, кутувларимиз асосида қуриладиган муносабатлар бора-бора шахснинг шахсий фазилатларига айланиб боради. Шу муносабат билан баҳолаш атрибуция асоси сифатида шахс жинсий хусусиятларини шакллантирувчи омил ўлароқ талқин этилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Алешина А.Ю. Проблемы усвоения ролей мужчины и женщины // Вопросы психологии. – 1991.- № 4.- С.74-82

2. Кон И.С. Ребенок и общество. Историко-этнографическая перспектива.- М., 1988.- 336 с.

3. Фельдштейн Д.И. Психология развития личности в онтогенезе.- М.: Педагогика, 1989. – 206 с.

4. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – 142 б.

5. Ҳайдарова Х.Р. Жинсий идентификация жараёнига оилавий роллар дифференциациясининг таъсири (бўлинмаган ва нуклеар оилалар мисолида). Психол.фан.номз... диссертация.– Т., 2007.

Андижон қишлоқ хўжалик институти,
2017 йил 3 январда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. Н.Д.Қосимова)